

---

Туманимиз ўқувчилари халқаро ментал арифметика олимпиадасида  
ғолиб бўлди

Жорий йилнинг 22 декабр куни Москва шаҳрида халқаро ментал арифметика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Халқаро олимпиадада Ўзбекистон тумани 65-ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси ва блогер Исроил Тиллабоев ҳам ўз ўқувчилари билан иштирок этди.

Бу ҳақда моҳир педагог ва блогерлар чемпионати совриндори ўзининг блогида [маълум қилди](#).



---

МДХ давлатларидан 500 дан зиёд ўқувчилар қатнашган олимпиадада 3 нафар фарғоналик ўқувчилар ғолиб бўлди.

Қувонарлиси, ғолиблар орасида туманимиз ўқувчилари ҳам бор.

Туманимиздаги 49-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Самандар Муродов 2-ўрин, шу мактаб ўқувчиси Гуласал Акбарова олимпиада Гран Присини қўлга киритган бўлса, Боғдод туманилик 6 ёшли Ҳумоюнмирзо мусобақа ташкилотчиларининг адашмовчилиги туфайли 9 ёшлилар билан беллашган бўлсада 1-ўринни қўлга киритди.

Исроил Тиллабоев Фарғона вилоятига дастлабки ментал арифметика курсларини олиб кириб, бу бўйича ўзининг муаллифлик китобини ҳам нашр этган. Ментал арифметикани ўқитиш бўйича ўз дастурини ишлаб чиққан тумандошимиз ҳозирда ўз методикаси бўйича қўшни туманлардан ҳам ўқитувчиларни тайёрламоқда.

Тиллабоевнинг ўқувчилари ментал арифметика олимпиадаларида вилоятларда ҳам ғолибликни қўлга киритишган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон туман ҳокимлиги мазкур ютуқ билан иқтидорли ўқувчиларимизни, уларнинг устозлари ва ота-оналарини самимий муборакбод этади. Ўқувчиларимизнинг эришган ҳар бир ютуқлари бизга ҳам доимо катта фахр ва ифтихор бағишлашини мамнуният билан билдирамыз. Уларнинг келгуси ўқишларида ва нуфузли мусобақалардаги иштирокида улкан зафарлар тилаймиз.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2019-12-24 19:49:15